

## Сийрат дарслари (43-дарс)



14:00 / 02.08.2019 7351

224. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан масжидда ўтирган эдик. Бир киши туяда кириб келди ва уни масжидга чўктирди. Кейин боғлади. Сўнгра: «Қай бирларинг Муҳаммад?» деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг ҳузурларида ёнбошлаган ҳолда эдилар. «Манави ёнбошлаган оқ одам», дедик. «Ибн Абдулмуттолибми?» деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «**Сенга жавоб бераман**», дедилар. Шунда ҳалиги одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Мен сендан сўровчиман. Сенга саволни қаттиқ қилувчиман. Яна, ўзингга олиб юрмагин!» деди. «**Истаганингни сўрайвер**», дедилар.

«Сендан Роббинг ила, сендан олдингиларнинг Робби ила сўрайман, Аллоҳ сени барча одамларга юбордими?» деди.

«**Аллоҳ шоҳид, ҳа!**» дедилар.

«Аллоҳ ила сендан сўрайман. Аллоҳ сенга бир кеча-кундузда беш вақт намоз ўқишимизни амр қилдими?» деди.

«**Аллоҳ шоҳид, ҳа!**» дедилар.

«Аллоҳ ила сендан сўрайман. Аллоҳ сенга йилига ушбу ойнинг рўзасини тутмоғимизни амр қилдими?» деди.

«**Аллоҳ шоҳид, ҳа!**» дедилар.

«Аллоҳ ила сендан сўрайман. Аллоҳ сенга ушбу садақани бойларимиздан олиб камбағалларимизга тақсимлашни амр қилдими?» деди.

«**Аллоҳ шоҳид, ҳа!**» дедилар.

Шунда ҳалиги киши: «Сен келтирган нарсага иймон келтирдим. Мен ўз ортимдаги қавмимнинг элчисиман. Мен Бану Саъд ибн Бакр(қабиласи)лик Зимом ибн Саълабаман», деди».

Бухорий ривоят қилган.

Бошқа ривоятда шундай келган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бирор нарсани сўрашдан қайтарилган эдик. Бадавий аҳллардан бир оқил киши келиб, у зотдан савол сўрашини эшитиб туриш бизни қизиқтирар эди. Шунда бир куни Бодия аҳлидан бир киши келди ва: «Эй Муҳаммад! Бизга юборган элчинг бориб, сени албатта Аллоҳ юборганини даъво қилаётганингни даъво қилди», деди. У зот: «**Тўғри айтибди**», дедилар. «Осмонни ким яратган?» деди. «**Аллоҳ!**» дедилар. «Ерни ким яратган?» деди. «**Аллоҳ!**» дедилар. «Мана бу тоғларни ким тиклаб қўйди ва уларда пайдо қилган нарсаларни пайдо қилди?» деди. «**Аллоҳ!**» дедилар. «Ундай бўлса, осмонни яратган, ерни яратган, ушбу тоғларни тиклаган Зот билан қасамки, сени Аллоҳ юбордимми?» деди. «**Ҳа!**» дедилар. «Сенинг элчинг бизга бир куну кечамизда беш вақт намоз фарз эканини даъво қилди», деди. «**Тўғри айтибди**», дедилар. «Сени Набий қилиб юборган Зот ила қасамки, буни сенга Аллоҳ буюрдими?» деди. «**Ҳа!**» дедилар. «Сенинг элчинг бизга молу дунёимизда закот фарз қилинганини даъво қилди», деди. «**Тўғри айтибди**», дедилар. «Сени Набий қилиб юборган Зот ила қасамки, буни Сенга Аллоҳ буюрдими?» деди. «**Ҳа!**» дедилар. «Сенинг элчинг йилимизда Рамазон ойи рўзасининг бизга фарз қилинганини даъво қилди», деди. «**Тўғри айтибди**», дедилар.

«Сени Набий қилиб юборган Зот билан қасамки, буни сенга Аллоҳ буюрдими?» деди. **«Ҳа!»** дедилар. «Сенинг элчинг биздан қодир бўлганларга Байтни ҳаж қилиш фарз қилинганини даъво қилди», деди. **«Тўғри айтибди»**, дедилар. Сўнгра у киши: «Сени ҳақ ила юборган Зотга қасамки, мана шуларга зиёда ҳам қилмайман, улардан кам ҳам қилмайман», деб қайтиб кетди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар ростгўй бўлса, албатта жаннатга киради»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

225. Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳузуримга Жаброил алайҳиссалом келди. У менга: «Умматингдан ким Аллоҳга бирор нарсани ширк келтирмаган ҳолда ўлса, жаннатга киради»**, деб башорат берди», дедилар. «Агар зино ва ўғрилиқ қилса ҳамми?» дедим. **«Агар зино ва ўғрилиқ қилса ҳам»**, дедилар.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

226. Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким «Аллоҳдан ўзга илоҳу маъбуд йўқ, У Ўзи ёлғиздир, Унинг шериги йўқ, Муҳаммад Унинг бандаси ва Расулидир, албатта, Ийсо Аллоҳнинг бандаси, Унинг Расули, Марямга илқо қилган калимаси ва Ундан бўлган руҳдир, жаннат ҳақдир, дўзах ҳақдир»**, деб гувоҳлик берса, нима амал қилган бўлса ҳам Аллоҳ уни жаннатга киритади», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда: **«Аллоҳ уни жаннатнинг саккиз эшигидан қайсинисини истаса, шундан киритади»**, дейилган.

Муслим ривоят қилган.

Бошқа ривоятда шундай дейилган: Сунобиҳийдан, у Убода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Ким «Лаа илааҳа иллаллоҳу, Муҳаммадур Расулulloҳ»** деб шаҳодат келтирса, албатта, Аллоҳ уни дўзахга ҳаром қилади», деганларини эшитдим».

Муслим ривоят қилган.

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**